

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АКАДЕМИК Ё.Х.ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**АЛИМОВА НАСИБА УСМАНОВНА**

**РЕГИСТР ЎТКАЗИШ МОБАЙНИДА ЎЗБЕКИСТОНДА  
1-ТУР ҚАНДЛИ ДИАБЕТЛИ БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАРНИ  
ДАВОЛАШ ВА ЭПИДЕМИОЛОГИЯСИ**

**14.00.03 – Эндокринология**

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Алимова Насиба Усмановна**

Регистр ўтказиш мобайнида Ўзбекистонда

1-тур қандли диабетли болалар ва ўсмирлар

даволаш ва эпидемиологияси..... 3

**Алимова Насиба Усмановна**

Эпидемиология и лечение детей и подростков

с сахарным диабетом 1 типа в Узбекистане в

ходе проведения регистра ..... 27

**Alimova Nasiba Usmanovna**

Epidemiology and treatment of children and adolescents

with diabetes mellitus 1 type in Uzbekistan during

the holding of the register ..... 51

**Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати**

Список опубликованных научных работ

List of published scientific works ..... 55

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АКАДЕМИК Ё.Х.ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**АЛИМОВА НАСИБА УСМАНОВНА**

**РЕГИСТР ЎТКАЗИШ МОБАЙНИДА ЎЗБЕКИСТОНДА  
1-ТУР ҚАНДЛИ ДИАБЕТЛИ БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАРНИ  
ДАВОЛАШ ВА ЭПИДЕМИОЛОГИЯСИ**

**14.00.03 – Эндокринология**

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Tib190 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Академик Я.Х.Тўракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида [www.tma.uz](http://www.tma.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот таълим портали [www.ziyo.net](http://www.ziyo.net) манзилларига жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Рахимова Гульнара Нишановна</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Хамраев Абдор Асрорович</b> тиббиёт фанлари доктори <b>Урманова Юлдуз Маҳкамовна</b> тиббиёт фанлари доктори
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Қозоғистон узлуксиз таълим тиббиёт университети</b>

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100109, Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./факс: (+99871)150-78-25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./факс: (+99871)150-78-25.)

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**А.Г. Гадаев**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Б.Х. Шагазатова**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**С.И. Исмаилов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра болалар ва ўсмирлар орасида меъёрий даражадаги ўсиш ва ривожланишда сифатли овқатланиш ҳамда самарали олиб борилган тиббий хизматнинг ўрни каттадир. Бугунги кунда қандли диабет болалар орасида кўп учрайдиган йигирма биринчи асрнинг ноинфекцион эпидемиологик касалликларидан бири ҳисобланади<sup>1</sup>. Халқаро диабет федерацияси (IDF) маълумотларига кўра 2000 йилда дунё бўйича 395 нафар 1 тур қандли диабет болалар ҳисобга олинган. 2017 йил IDF атласини 8-чи нашрига кўра 20 ёшгача бўлган 1 тур қандли диабет беморларни сони 1 млн. 106 минг, улардан 586 минг нафари (ёши < 15 дан кичик бўлган) болаларни ташкил қилган, қачонки дунёдаги болалар аҳолисини сони 1,94 млрд.ни ташкил қилганида. Хар йили 96 100га яқин бола 1 тур қандли диабет билан хасталанади ва энг юқори касалланиш кўрсаткичлари АҚШ, Хиндистон ва Бразилияда кузатилади. Россия IDF маълумотларига кўра йил давомида янги 1 тур қандли диабет ҳолатларини учраши бўйича (3100/1 йилда) бчи ўринни эгаллайди.

Қандли диабетнинг энг асосий тарқалган асоратларидан бири ногиронликнинг ривожланиши билан биргаликда ўлим кўрсаткичининг ошиши билан изоҳланади. Болалар орасида қандли диабетни аниқлаш ва касаллик тарқалишининг олдини олиш мақсадида дунёда касалликни аниқлаш регистри ташкил қилинган, бугунги кунда ушбу регистр дунёнинг 172 мамлакатида ташкиллаштирилган. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда касалликни эпидемиологик ўрганиш регистри тузилган ва касалликни ташхислаш ва даволаш профилактик хизматини йўлга қўйиш бунгунги кунда болалар эндокринологияси олдида турган долзарб муаммолардан биридир.

Жаҳонда регистр ўтказиш мобайнида қандли диабетнинг биринчи турини болалар ва ўсмирлар орасида ташхислаш ҳамда даволаш самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, минтақаларнинг хусусиятларига қараб регистр маълумотлари асосида болалар ва ўсмирлар орасида қандли диабет мониторингини ташкиллаштиришда ёши, жинси, манифестацияси ва тарқалиш кенглигини инобатга олиш, болалар ва ўсмирлар орасида ҚДнинг 1-турида ҳудудлар бўйича регистр ўтказиш натижасида инсулин билан даволаш тавсияси, инсулин билан таъминлаш, назорат қилиш, кечки асоратини ташхислаш ва олдини олиш ҳамда даволаш профилактик ёрдам кўрсатиш сифати мониторингини ташкиллаштиришдан иборат. Касалликни скрининг ўтказиш натижасида эпидемиологик кўрсаткичларини қиёсий баҳолаш асосида болалар ва ўсмирлар орасида ҚДнинг 1-тури миллий

<sup>1</sup> ЖССТ маълумотлари, 2017 йил

<sup>2</sup> IDF Diabetes Atlas, 8th edition. Brussels: International Diabetes Federation; 2017

<sup>3</sup> И.И. Дедов, М.В. Шестакова, В.А. Петеркова, О.К. Викулова, А.В. Железнякова, М.А. Исаков, Д.Н. Лаптев, Е.А. Андрианова, Т.Ю. Ширяева. Сахарный диабет у детей и подростков по данным федерального регистра российской федерации: динамика основных эпидемиологических характеристик за 2013–2016 гг./Журнал сахарный диабет.- 2017; 20(6):392-402

регистрининг самарадорлигини таъминлаш ва баҳолаш, даволаш, профилактик ёрдам кўрсатиш, миллий ошхоналар таомномасида углевод қийматини баҳолаш жадвалини ишлаб чиқиш, касаллик асоратларни камайтириш, профилактик чора-тадбирлар механизмини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизнинг тиббиёт соҳасини ривожлантириш, замонавий асбоб-ускунлар билан таъминлаш, турли соматик касалликларнинг олдини олиш, болалар ва ўсмирлар орасида қандли диабет асоратларини камайтириш тиббиёт ходимлари олдида турган долзарб муаммолардан биридир. Ушбу вазифаларни мақсадли бажариш 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимизда «...ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга, унинг дастлабки бўғинини, тез ва шошилишчи тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш...»<sup>2</sup> беморларга кўрсатилаётган ихтисослаштирилган эндокринологик тиббий хизматни яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилган. Қандли диабетнинг биринчи турида болалар ва ўсмирлар орасида касалликни ташхислаш ҳамда сифатли тиббий хизмат кўрсатишда инновацион технологияларни қўллаш асосида замонавий даволаш усуллари ишлаб чиқиш ва беморлар умрини узайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2014 йил 1 августдаги ПҚ-2221-сонли «Ўзбекистонда оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича 2014 – 2018 йилларга мўлжалланган Давлат дастури» Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Қандли диабетнинг биринчи тури турли популяцияларда турли даражада тарқалиши билан баҳоланади. Касалланиш ва тарқалиш дунёнинг турли мамлакатларида турли даражада учраши қатор олимларнинг илмий тадқиқотларида келтирилган. Diamond Project (The DIAMOND, 2006) миллий лойиҳаси асосида дунёнинг 70 та давлатида олиб борилган тадқиқотлар натижасида тўпланган маълумотлар бўйича болалар орасида қандли диабетнинг ассоцирланиши касалликнинг

---

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони.

интермиллий стандарт маълумотлари, таҳлика омиллари ва ўлим кўрсаткичлари тўпланган. Кенг қамровли эпидемиологик тадқиқотлар натижасида қандли диабетнинг биринчи тури турли давлатларда касалланиш даражаси сезиларли вариабилликка эгаллиги исботланган. Бир мамлакатнинг турли минтақаларида турли этник популяцияларида касалланиш даражаси турлича пастлиги асосланган. Охирги ўн йилликда эпидемиологик тадқиқотлар натижасида беш ёшгача болалар орасида касалликнинг кескин кўпайиши кузатилмоқда. Россия Федерациясида охирги ўн йилда қандли диабетнинг биринчи тури тарқалиши болалар орасида 35,7% (100000 аҳолига 59,4дан 80,6гача), ўсмирларда 68,9% (100000 аҳолига 108,5 дан 183,5 гача), катталарда эса 45,53% (100000 аҳолига 224,5 дан 229,8 гача) эканлиги исботланган (Ю.И.Сунцов, 2011, Л.Л.Болотская 2014, О.В.Маслова, И.В.Казаков, 2018).

Ўзбекистонда илк бор қандли диабетнинг биринчи турини эпидемиологик маълумотлар асосида Н.М.Алиханова (1998) таҳлил қилган, 100000 аҳолига тарқалиш даражаси 6,8, касалланиш кўрсаткичи 1,6, ўлим кўрсаткичи эса 4,0 ни ташкил қилган. Мамлакатимизда ўсмирлар орасида 2000 йилгача қандли диабетнинг биринчи тури бўйича эпидемиологик таҳлил олиб борилмаган.

Н.М.Алиханова (1998) ва К.С.Сафаева (1999) тадқиқотларидан кўриниб турибдики, касаллик оқибатида микротомирлардаги асоратларнинг тарқалиши 50% гача, углевод алмашинуви ўрнини босиш даражасининг пастлиги, қандли диабетнинг биринчи тури бўйича болалар ва ўсмирлар орасида ўлим даражасининг юқорилиги қайд этилган. Беморларнинг умр давомийлиги 8 йил бўлиб, даволаш-профилактик ёрдам кўрсатиш жойларда халқаро стандартларга мос келмаган. Дунёда юқорида қайд этилган муаммоларни ҳал қилиш учун регистр яратилган. Қандли диабетнинг регистри мултимарказ эпидемиологик тадқиқотлари натижасида яратилган бўлиб, унда дунёнинг 70 давлати иштирок этган. Бугунги кунда жаҳоннинг 172 мамлакатада болалар ва ўсмирлар орасида қандли диабетнинг давлат регистри яратилган. Бироқ Ўзбекистонда болалар ва ўсмирлар орасида қайд қилиш регистри мавжуд эмаслиги, илмий адабиётларда келтирилган маълумотлардан республикаимизда қандли диабетни ташхислаш ва олдини олиш борасида етарли даражада маълумотлар йўқлиги, ҚД 1 турини болалар ҳамда ўсмирлар орасида ташхислашнинг ягона миллий регистр тизими яратилмаганлиги муаммонинг долзарблигини кўрсатади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган илмий тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши академик Я.Х.Тўракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган илмий-тадқиқот эндокринология маркази илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ҳамда ИТСС 13.2 «Ўзбекистон Республикасида қандли диабет, акромегалия ва қандсиз диабет макроангиопатия клиник-эпидемиологик хусусиятлари ва унинг гипаталамо-гипофизар патологияси билан кўшилиб келишини ўрганиш» (2009 – 2011) ҳамда А-9-002 «Ўзбекистон Республикасида қандли диабет ва

қандсиз диабет касалларининг миллий регистрини яратиш» (2006 – 2008) грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** қандли диабетнинг биринчи тури билан касалланган болалар ва ўсмирларда миллий регистр яратиш ва эпидемиологик текширишлар асосида қандли диабет кечки асоратларининг олдини олишни такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ўзбекистонда регистр маълумотлари асосида минтақавий хусусиятларни инобатга олиб, болалар ва ўсмирлар орасида қандли диабетнинг тарқалиши ва мониторингини (ёши, жинси, манифестацияси ва тарқалиш кенглигини инобатга олиб) ўрганиш;

Ўзбекистонда болалар ва ўсмирлар орасида 1-тур ҚДнинг ҳудудлар бўйича регистр ўтказилиши натижасида (инсулин даво тавсияси, инсулин билан таъминлаш, назорат қилиш, кечки асоратини ташхислаш ва олдини олиш) даволаш, профилактик ёрдам кўрсатиш сифати мониторинги ва баҳолаш;

Ўзбекистон бўйича скрининг натижасида эпидемиологик кўрсаткичларни қиёсий баҳолаш асосида болалар ва ўсмирлар орасида 1-тур ҚДнинг миллий регистри самарадорлигини таъминлаш;

Ўзбекистонда скрининг ўтказиш натижасида даволаш, профилактик ёрдам кўрсатиш сифатини қиёсий баҳолаш натижасида болалар ва ўсмирлар орасида 1-тур ҚДни миллий регистр асосида самарадорлигини баҳолаш;

Ўзбекистон шароитида 1 тур қандли диабет беморларни янги структурлашган ўқитиш дастури самарадорлигини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида мамлакатимизнинг истиқомат қилувчи барча вилоятлари эндокринологик диспансериларнинг рўйхатида турган 18 ёшгача бўлган 1-тур қандли диабет билан хасталанган 9143 нафар болалар ва 4416 нафар ўсмирлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** илмий тадқиқотлар асосида 1-тур қандли диабет билан хасталанган болалар ва ўсмирларни ташхислашда антропометрик кўрсаткичлар, қон таркибидаги гликирланган гемоглобин, креатинин ва мочевина олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Қўйилган вазифаларни бажариш мақсадида объектив клиник, эпидемиологик, анкеталаш, антропометрик, функционал ташхислаш, клиник-биокимёвий ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк маратоба мамлакатимиз ҳудудларида эпидемиологик тадқиқотлар натижасида 2003–2016 йиллар давомида 1-тур қандли диабет билан хасталанган болалар ва ўсмирлар орасида клиник, эпидемиологик, ёш ва гендерлик хусусиятлари асосида касалликнинг тарқалиш даражаси, ўлим кўрсаткичларининг ҳолати асосланган;

регистр давомида ҳудудлар хусусиятларини инобатга олган ҳолда ўлимга сабаб бўладиган метаболик ва диабетик асоратларнинг тарқалиши ва ривожланишининг олдини оладиган даволаш тизими оптималлаштирилган;

1-тур қандли диабет билан хасталанган болалар, ўсмирлар орасида

диабетик асоратлар, ўлим кўрсаткичлари 2012 – 2014 йиллар олиб борилган скрининг ва регистр маълумотларида 1998 йилдаги скрининг кўрсаткичларидан анча пасайганлиги, регистр маълумотлари самарадорлигининг тўғри стратегияси ҳамда тактикаси олиб борилганлиги исботланган;

1-тур қандли диабет билан хасталанган болалар ва ўсмирларда мамлакатимизда 2003 – 2016 йилларда олиб борилган регистр ва скрининг, ҳудудларда кунлик адекват инсулин миқдори ҳамда ИИТ нисбатининг ошганлигини миллий ўзбек ошхонаси таомларида нон бирлиги ҳисоблаш асосида касалликнинг олдини олишга ўргатувчи структурланган янги дастурнинг самарадорлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

қандли диабетнинг биринчи тури тарқалишини баҳоловчи анкета-сўровномалар ишлаб чиқилган;

Ўзбекистонда ҳудудлар хусусиятларини инобатга олган ҳолда болалар ва ўсмирлар орасида қандли диабетнинг биринчи тури учун миллий регистр ишлаб чиқилган;

Ўзбекистонда ҳудудларни инобатга олган ҳолда қандли диабетнинг биринчи тури билан касалланган болалар ва ўсмирларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини баҳолаш тизими ишлаб чиқилган;

эпидемиологик таҳлиллар асосида ҳудудларда қандли диабетнинг биринчи тури билан касалланган болалар ва ўсмирлар мониторингини олиб бориш дастури ишлаб чиқилган;

барча вилоятларнинг диспансерларида миллий ўзбек таомлари асосида нон бирлигини инобатга олган ҳолда ўргатувчи дастур ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндошув ва усуллар, олиб борилган клиник тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, объектив клиник, эпидемиологик, анкеталаш, антропометрик, клиник-биокимёвий ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, қандли диабетнинг биринчи тури мавжуд болалар ва ўсмирларда ташхислаш, эпидемиологик мониторинг олиб бориш тартиби халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мамлакатимизда истиқомат қилаётган болалар ва ўсмирлар орасида углевод алмашинувини компенсация қилиш, ҳудудларни инобатга олган ҳолда қандли диабетнинг биринчи турида миллий регистр, кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини баҳолаш дастури, минтақаларда касалликни аниқлаш мониторингини олиб бориш дастури, диспансерларда миллий ўзбек таомлари асосида нон бирлигини инобатга олган ҳолда ўргатувчи дастур назариясини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижасининг амалий аҳамияти эса олинган натижалар билан мавжуд бўлган болалар ва ўсмирларда қандли диабетнинг биринчи турини миллий регистр асосида бирламчи профилактикаси ва ташхислаш усулини яратиш, шунингдек, тавсия қилинган миллий ўзбек таомлари асосида нон

бирлигини инобатга олган ҳолда профилактик мақсадда фойдаланиши муҳим аҳамият касб этади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши** регистр ўтказиш мобайнида Ўзбекистонда қандли диабетнинг биринчи тури мавжуд бўлган болалар ва ўсмирларни даволашни ташхислаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Ўзбекистонда қандли диабетнинг биринчи турида мижозларга ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш алгоритми» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 29 мартдаги 8н-д/58-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма мамлакатимизда болалар ва ўсмирлар орасида қандли диабет касаллигининг биринчи турини ташхислаш, касалликнинг тарқалиш эпидемиологияси ва уларга тиббий кўрсатиш тизимини ташкиллаштириш имконини берган;

«Болалар ва ўсмирларда қандли диабетнинг биринчи турида тиббий ёрдам кўрсатишнинг миллий стандарти» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 29 мартдаги 8н-д/58-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма миллий минталитетни инобатга олган ҳолда болалар ва ўсмирлар орасида қандли диабет касаллигининг биринчи турини ташхислаш ва тиббий ёрдам кўрсатишда инсулин билан даволаш тартиби, миқдорини танлаш, қўлланиладиган инсулин турини танлаш имконини берган;

Ўзбекистонда 1-тур қандли диабетли болалар ва ўсмирларни даволашни ташхислаш ва эпидемиологияси бўйича олинган илмий натижалар асосида илмий-тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкент вилояти, Самарқанд ва Бухоро вилоятлари эндокрин диспансери клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 29 мартдаги 8н-д/27–сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг клиник амалиётга жорий қилиниши болалар ва ўсмирларда қандли диабетнинг биринчи турида тиббий ёрдам кўрсатишнинг миллий стандарти асосида касалларнинг умр кўриш даврийлигини узайтириш, ногиронликнинг олдини олиш ва даволаш профилактик ёрдам сифатини ошириш имконини яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 10 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 130 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Болалар ва ўсмирларда учрайдиган қандли диабетнинг биринчи тури эпидемиологияси, ташхислаш ва даволашнинг замонавий талқини»** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Адабиётлар мушоҳадасида тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда болалар ва ўсмирларда учрайдиган қандли диабетнинг биринчи турини замонавий ҳолат муаммолари касалликнинг тарақалиши, эпидемиологияси мавжуд ташхисоти, клиникаси ҳамда профилактика усуллариининг афзалликлари ва камчиликлари таҳлил қилинган, шунингдек, мазкур муаммонинг ўз ечимини топган ҳамда ечими топилиши лозим бўлган аспекти белгиланган.

Диссертациянинг **«Болалар ва ўсмирларда учрайдиган қандли диабетнинг биринчи турини ташхислаш ва даволаш тизими материалли ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материалли ва усуллари баён этилган, тадқиқотга киритилган ҚДнинг биринчи тури билан оғриган болалар ва ўсмирларнинг тавсифи ёритилган, шунингдек, олинган натижаларни баҳолаш учун фойдаланилган статистик усуллар тўлиқ баён этилган.

Тадқиқот бир неча босқичларни ўз ичига олган, улар: регистр харитасини яратиш, компьютер дастурини тузиш, қайд маълумотларини киритиш, қайд маълумотларини мониторинг қилиш.

2003 йилда ACCESS XP дастурида компьютер маълумотлар базаси яратилди, ундан материалларни киритиш, сақлаш, натижалар мониторингини баҳолаш ва қайдларнинг самарали ишлашини қўллаб-қувватлаш мақсадида фойдаланилди. Компьютер дастури 2010 йил 7 майдаги ВГУ 20080013 рақамли патент билан ҳимояланган. Эндокринологик маълумотлар 13 вилоят эндокринологик диспансерлар ва Тошкент шаҳридаги диспансерларнинг ҳисоботлари ҳамда қайд хариталари асосида ўрганилди.

2012 йилда РИЭИАТМ ходимлари томонидан Ўзбекистоннинг барча ҳудудларига чиқиб, болалар ва ўсмирлар орасида ҚД 1-турининг скрининги ўтказилди.

ҚДнинг биринчи тури билан оғриган болалар ва ўсмирларга даволаш профилактик ёрдам кўрсатиш сифатини баҳолаш мақсадида «Болалар ва ўсмирлардаги қандли диабет биринчи турининг миллий қайди» баённомаси

тузилди. Баённома ўз ичига демографик, антропометрик маълумотларни, қандли диабет давомийлигига оид материалларни, инсулинтерапия (инсулинтерапия режаси, дозаси, даражаси, инсулинлар тури), диабетнинг кечки асоратлари мавжудлиги, гликемик маълумотлари, гликирланган гемоглобин, холестериннинг аҳамияти, пешобдаги оксил, иш қобилятини йўқотганлиги ҳақидаги маълумотлар, кечки қон-томир асоратларининг мавжудлиги, ўлим санаси ва сабабига оид маълумотларни олади. Баённомалар педиатор-эндокринолог томонидан жойларда тўлдирилди, олинган маълумотларни юритиш ва қайта ишлаш эндокринология марказининг болалар эндокринология бўлимида ўтказилди.

Углевод алмашинуви компенсация кўрсаткичларини баҳолаш 2014 йил учун ISPAD тавсиялари бўйича амалга оширилди.

Болалар ва ўсмирларда ҚДнинг 1-тури миллий регистрини ташкил қилиш ва амалга ошириш самарадорлиги ҳамда беморларга даволаш-профилактик ёрдам кўрсатиш сифати ҳақида олинган маълумотларнинг ҳаққонийлигини баҳолаш мақсадида WDF томонидан берилган «Ўзбекистонда болалар диабети» гранти асосида 2012 йилда РИЭИАТМ ходимлари томонидан Ўзбекистоннинг ҳар бир ҳудудига чиқишлар амалга оширилиб, ҚДда 1-тури билан ҳасталанган 950 нафар болалар, 538 нафар ўсмирлар скрининг текширувидан ўтказилди.

Скрининг текшируви барча беморларга стандартларга асосланган ўз ичига анамнез йиғиш, беморларни физикал кўриқдан ўтказиш, лаборатор-инструментал текширувларни олган кенг кўламли клиник-лаборатор текширувлар ўтказилди.

Умумий клиник текширувлар қуйидаги усулларни ўз ичига олган: тадқиқот баённомасига асосланиб ишлаб чиқилган сўровнома; жисмоний ривожланишни антропометрик усул билан (тана вазнини ўлчаш, 2007 ЖССТ тавсия қилган перцентил эгриликларига кўра бўй SDSи) баҳолаш; жисмоний ривожланишни таннер босқичларига асосланиб баҳолаш; функционал текширув усуллари (ЭКГ); биокимёвий текширувлар (мочевина, креатинин); куз тубини тўғри офталмоскопияси, окулист кўриги; невропатолог кўриги, ДППП оғирлик даражасини аниқлаш.


Статистик ҳисоб-китоблар STATISTICA – 6,0 дастур муҳитида ўтказилди.

Бутун жаҳон диабет фондининг «Ўзбекистонда болалар диабети» дастури доирасида 2011 йилда сайёр семинар ва маҳорат дарслари орқали вилоят эндокрин диспансеридаги ўз-ўзини назорат қилиш мактабларининг ҳамшираларини тайёрлаш ҳамда ўқитиш амалга оширилди. Ўқитиш мобайнида янги тизимлаштирилган дастурдан фойдаланилди. Бу дастурда нон бирликларда белгиланган миллий таомли ликопчалар (ҚД 1-тур беморларининг овқатланиш тартиби тузилганда) татбиқ этилди. 2012 йилда янги тузилган дастур бўйича беморларни ўқитиш самарадорлигини баҳолаш учун қуйидаги текширувлар ўтказилди: ҚД 1-турли беморларнинг билим даражасини баҳолаш ва гликирланган гемоглобин (HbA1c) бўйича

компенсация ҳолати. Тестлаш ўз-ўзини назорат қилиш бўйича 20 та саволдан иборат бўлган сўровнома асосида ўтказилди.

Диссертациянинг «Қандли диабетнинг биринчи тури билан оғриган болалар ва ўсмирларда касалликни тарқалиш, касалланиш, ўлим кўрсаткичи асоратлар структурасини минтақаларга боғлиқ равишда регистр маълумотларини ўрганиш ва мониторинг қилиш» деб номланган учинчи бобида Ўзбекистон бўйича болалар ва ўсмирларда қандли диабетга нисбатан эпидемиологик вазиятни баҳолаш маълумотлари келтирилган, бунда 2000 йилдан 2016 йилгача бўлган даврдаги эндокринологик ҳисобот маълумотлари берилган. Беморларни қайд қилиш 2000 йилда бошланган бўлсада, ҳақиқий натижаларни 2003 – 2004 йилдан бошлаб баҳоладик, бунинг сабаби эса қайд қилишнинг дастлабки йилларида фақат беморларни ҳисобга қўйишни аниқлаштириш ишлари олиб борилган, холос.

Олиб борилган тадқиқотлар давомида аниқландики, 2000 – 2016 йиллар давомида Ўзбекистонда болалардаги ҚДнинг биринчи турининг тарқалганлик даражаси ҳар 100 000 болалар аҳолисига 7,5 дан 19,8 гача ошганлиги, у билан бир вақтда ўлим кўрсаткичи 99% га пасайганлиги, касалланиш кўрсаткичлари эса турғун даражада қолганлигини кўрсатди (1-расм).



**1-расм.** Ўзбекистонда болалардаги қандли диабет биринчи турининг тарқалиши ва касалланиш кўрсаткичлари (ҳар 100000 аҳолига нисбатан)

Буларнинг барчаси ўтказилган регистрни юқори даражадаги самарадорлигидан далолат беради. 2000 – 2016 йиллар давомида 0 ёшдан 14 ёшгача бўлган ҳар 100000 болалар аҳолисидаги қандли диабет 1-турининг тарқалганлик кўрсаткичи ўртача 12,7 ни ташкил этди. Шундай қилиб, 16 йил давомида қандли диабетнинг 14 ёшгача Ўзбекистон популяциясидаги тарқалганлиги 2,6 марта ошди.

Болалар ўртасида 1-тур ҚДнинг тарқалганлиги вилоятлар бўйича таҳлил қилинганда, энг кўп тарқалган худудлар Тошкент шаҳар (42,9), Бухоро (31,8) ва Тошкент (31,8) вилоятлари; энг кам тарқалган худудлар Наманган (12,1), Қашқадарё (13,1) вилоятлар эканлиги аниқланган.

Ўзбекистон бўйича ҚД биринчи турининг касалланиш кўрсаткичлари ортиб бормоқда. Касалланишнинг юқори кўрсаткичлари 2014 – 3,8 ва 2015 – 4,1 ҳар 100000 болалар аҳолисига тўғри келди. 2016-йилда болалардаги касалланиш 2000 йил билан солиштириб таҳлил қилинганда, кўрсаткич-

ларнинг ҳар 100000 болалар аҳолига нисбатан 1,7 дан 2,3 тагача ошганлиги қайд қилинди.

2016 йилда болалар орасида касалланиш даражаси таҳлил қилинганда, Тошкент шаҳрида (3,5) ва Андижон вилоятида (2,9) касалланиш кўп эканлиги, энг кам даража эса Навоий вилоятида (0,9) аниқланди.


Регистр ўтказиш йилларида ҚД биринчи тури билан оғриган болалар сонининг ошганлиги кўринди, бунда касалланиш кўрсаткичи 5 ёшгача бўлган қизлар ўртасида 7,8% дан 12,3%га кўтарилганлиги Ўзбекистонда ҚДнинг ёшариш даражасини кўрсатди.

Ёш таркиби бўйича гуруҳга ажратишда энг юқори кўрсаткич 10 ёшдан 14 ёшгача бўлган – 66,6%, энг кам кўрсаткич- 0 – 4 ёшгача (5,0%), 5 – 9 ёшлилар ўртасида учраши эса 28,3% ни ташкил этади. Ёш структураси бўйича шунга ўхшаш нисбат ўғил болалар ўртасида ҳам қиз болалар ўртасида ҳам регистр ўтказишнинг бутун даври мобойнида кўринади.

ҚД биринчи тури билан касалланишнинг давомийлиги бўйича энг юқори гуруҳ кўрсаткичларини 5 йилгача бўлган ҳолат (70,9%), энг кам кўрсаткични (2,1%) эса 10 йилгача бўлган ҳолат эгаллади.

Ўзбекистонда ушбу касалликнинг болалардаги ёш структурасидаги ўрганиш босқичлари, касалланишни умумий тенденциясини тадқиқ қилиш болалар ёши ортиши билан ўрганилиши ҳисобланади. Бунинг учун ҚДнинг биринчи тури билан касалланиш динамикаси 3 та ёш гуруҳида таҳлил қилинди: энг кичик (0 – 4 ёш), ўрта (5 – 9 ёш), катта (10 – 14 ёш). Илмий изланиш ўтказиш давомида ҚДнинг биринчи тури билан касалланиш ҳолати турли ёш гуруҳларида турли натижаларни кўрсатди. Энг юқори кўрсаткич ўрта ва ёш болалар гуруҳидан устун, катта ёшли болалар гуруҳида қайд қилинди.

Биринчи бор Ўзбекистондаги барча минтақаларга боғлиқ равишда болалар ўртасида 1-тур ҚДнинг тарқалиши, касалланиш ва ўлим кўрсаткичларини баҳолаш ўтказилди (2-расм).



**2-расм.** Ўзбекистонда ўсмирлардаги қандли диабет биринчи туридаги касалликнинг тарқалиши ва касалланиш кўрсаткичлари (ҳар 100000 аҳолига нисбатан)

Ўзбекистон Республикасидаги 15 – 18 ёшли ўсмирлар ўртасида ҚД 1-турининг тарқалиш даражаси 2000 – 2016 йиллар оралиғида ўртача 1,4 марта ошди, бу бошқа ёшдагилар кўрсаткичларидан юқори демакдир. Вилоятлар бўйича таҳлил ўтказилганда 2016-йилда ҚД 1 турининг энг кўп

тарқалганлиги Тошкент шаҳрида (77,1), Тошкент ва Бухоро вилоятларида, энг кам даража Сурхондарё (19,0) ва Самарқанд (22,0) вилоятида аниқланди.

Ўзбекистондаги ўсмирлар ўртасида ҚДнинг 1-тури билан касалланиш болалар кўрсаткичларига нисбатан таққосланганда сезиларли даражалда юқори кўрсаткичларни кўрсатди. Ўсмир қизлар орасида касалланиш 1,4 марта юқори натижаларни кўрсатган бўлса, касалланишнинг энг юқори чўққиси пубертант даврга (11 – 14 ёш) тўғри келди, бу ҳолат адабиёт маълумотлари билан мос келади.

Ўсмирлар ўртасида касалланиш таҳлил қилинганда, Тошкент (17,0) ва Бухоро вилоятларида (10,3) энг юқори касалланиш, энг кам даража эса Наманган вилоятида (0,5) қайд қилинди.

Адабиётларда келтирилган маълумотларга кўра ҳудудий градиент кузатилди. Ўзбекистонда ҳам шундай тенденцияни кўриш мумкин, яъни шимолдан жанубга ҳаракат қилинганда болалар ва ўсмирлардаги 1-тур ҚД билан касалланишнинг пасайиши кузатилди.

Диссертациянинг **«Худудларга боғлиқ равишда болалар ва ўсмирларда ҚДнинг биринчи турини регистр қилишда даволаш профилактика ёрдами кўрсатишни баҳолаш ва мониторинг қилиш»** деб номланган тўртинчи боби уч бўлимдан иборат. Биринчи бўлимда Ўзбекистонда интенсив инсулинтерапия буюриш сони баҳолаш материаллари келтирилган. 2003 йилда худудлар бўйича инсулинтерапиянинг буюрилишини таҳлил қилади ва у 34% ни ташкил этди. ИИТни бемор болаларга буюрилишининг мавжуд эмаслиги Наманган вилоятида (0%), Самарқанд вилоятида (4%), Хоразм вилоятида (4,9%), Сурхондарё вилоятида (15,3%) қайд этилди. Самарқанд вилоятида 42,7%, Хоразмда 72,1%, Наманган вилоятида 85,2% ҳолатларда бемор болалар учун суткада икки марта комбинирланган инсулин терапия буюрилди. Ўртача давомли таъсир этувчи фақат бир турдаги инсулин, қисқа таъсирли инсулиннинг буюрилганлиги Самарқанд, Жиззах, Наманган вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида кузатилди. Инсулинтерапияни буюрилишининг энг тўғри тактикаси Навоий, Бухоро, Сирдарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрида кузатилди. Шунга ўхшаш ҳолат айнан шу худудларда ўсмирлар ўртасида ҳам кузатилди. Юзага келган вазиятни тўғрилаш мақсадида ҳар йили ҳар бир минтақада халқаро тавсия ва кўрсатмаларга мос ҳолда инсулинтерапия бўйича структур ўргатувчи семинарлар ўтказилди. Жойларда ўқитиш семинарлари олиб борилгандан сўнг қўлланган терапия сифатини таҳлил қилиш, шуни кўрсатдики, фақат 2006 йилга келиб, инсулинтерапия буюрилиш интенсивлик фоизининг ортиш тенденцияси яққол юзага келди. Умуман олиб қаралганда бутун Ўзбекистон бўйлаб, болалар ўртасида ИИТнинг буюрилиши икки мартага ошди, аммо Жиззахда РКК вазият мутлақо ўзгармади. 2016 йилда ўтказилган таҳлилда шу нарса маълум бўлдики, Ўзбекистон Республикасида қандли диабетнинг биринчи тури билан оғриган болалар ва ўсмирларга инсулин билан даволаш тўғри буюрилиш даражаси болаларда 97,0% га ва ўсмирларда эса 98,3% га ошди (1, 2 –жадвал).

**1-жадвал****ҚД 1-тури билан хасталанган болаларда 2003 – 2016йилларда ҳудудларда ўтказилган семинар ва ўқитишлардан олдин ва кейин жадал инсулинтерапияни тавсия қилиш частотасини баҳолаш**

<b>Вилоятлар</b>	<b>2003</b>	<b>2004</b>	<b>2005</b>	<b>2006</b>	<b>2007</b>	<b>2010</b>	<b>2012</b>	<b>2016</b>
ҚҚР	21,4	18,2	10,8	40,6	41,2	88,2	100	94,2
Андижон	50	79,1	85,4	87,5	88,0	92,4	100	94,6
Бухоро	56,9	71,2	56,7	93	93,4	98,3	100	98,8
Жиззах	20	20	9,7	13,3	14,8	78,4	91,0	88,2
Қашқадарё	71,4	35,1	51,9	71,2	72,4	92,0	100	94,6
Навоий	76,9	81,2	93	93,7	94,2	96,2	100	98,8
Наманган	0	15,9	0	93,6	93	95,7	100	97,5
Самарқанд	4	93,4	94,5	84	85,6	96,4	100	98,6
Сурхондарё	15,3	42,4	43,2	94,6	95,0	96,7	95,8	96,8
Сирдарё	100	100	70	100	100	100	100	100
Тошкент	52,2	94,9	93,9	96	96,8	98,0	100	98,2
Фарғона	51,6	94,5	98,7	99	100	99,1	100	99,6
Хоразм	4,9	20,6	91,8	98,4	98	98,9	100	99,0
Тошкент шаҳри	71,7	92	86,7	96	98,2	100	100	100
ЎзР	34	70,2	69	83,0	83,6	95,0	98,3	97,0

Болаларда ҚД 1-турини яхши компенсация қилинишига кун давомида инсулинтерапияни етарли дозада буюрилиши билан эришиш мумкин. Кунлик доза эса пубертант давр, тана оғирлиги, касалликнинг кечиш давомийлигига боғлиқ бўлади.

**2-жадвал****ҚД 1-тури билан хасталанган ўсмирларда 2003 – 2016 йилларда ҳудудларда ўтказилган семинар ва ўқитишлардан олдин ва кейин жадал инсулинтерапияни тавсия қилиш частотасини баҳолаш**

<b>Вилоятлар</b>	<b>2003</b>	<b>2004</b>	<b>2005</b>	<b>2006</b>	<b>2007</b>	<b>2010</b>	<b>2012</b>	<b>2016</b>
ҚҚР	20	41,1	19,2	52,8	53,0	88,9	96,7	98,2
Андижон	50	76,2	89,4	94,5	95,6	98,2	96,3	100
Бухоро	80,6	63,1	59,4	91,4	92,4	98,6	100	99,2
Жиззах	8,3	18,2	11,7	7,14	8,16	91,0	86,7	92,2
Қашқадарё	60	45	48	52	58,0	92,5	93,5	94,6
Навоий	100	63,6	73,3	83,3	84,6	98,6	100	100
Наманган	0	0	0	63,6	66,2	97,3	100	98,4
Самарқанд	4,5	93,4	91	92,2	94,0	100	100	99,2
Сурхондарё	33,3	64	62	86,1	86,8	98,5	100	98,0
Сирдарё	80	43,8	11,1	100	100	100	100	100
Тошкент	45,1	92	88,5	90	92	98,0	100	98,6
Фарғона	70,6	87,5	98	93,2	95,4	99,6	95,7	99,8
Хоразм	4,3	47,4	78,5	88,8	90	97,4	100	98,9
Тошкент шаҳри	55,2	92,1	75,8	91,8	92,8	98,0	97,4	99,2
Республика бўйича	34,5	72,5	68	91,8	92,2	96,9	97,6	98,3

Регистр ўтказилгунга қадар (2000 йил) инсулинни кам дозаларда тез-тез буюрилиши кузатилди (23,9%), базис болүсли терапия буюрилмади, Mixtard

инсулинларининг буюрилиши устун бўлди. 2003 йилда нотўғри, кам дозаларни буюриш 6,9% га камайди, ёшга мос равишда инсулинни кунлик дозасидан фойдаланиб даволаш 93% га ошди. Айниқса, қайғули ҳолат ҚД 1 тури билан оғриган ўсмирлар инсулинтерапия таҳлилида кузатилди. Регистр ўтказилгунгача инсулиннинг кунлик дозасини тўғри буюрилиш фоизи 66,3% ни ташкил этди. Регистр ўтказиш вақтида семинарлар ўтказиш, бош педиатр-эндокринолог индивидуал ишлашидан сўнг мос терапия фоизи 64,6% га, 2003 йилга келиб эса 80% га ошди. Паст дозаларни буюриш 33,7% дан 3,0% га камайди. Инсулиннинг кунлик дозасини буюришни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, уни кичик дозаларда буюриш 2000 йилда Ўзбекистонда болаларнинг <0,5 кг/бирлигига нисбатан 23,9% ни ташкил этди. Ўсмирларда эса регистрни ўтказиш даврида инсулинотерапияни суткалик дозасини баҳолаш маълумотларига кўра ҳолатнинг яхшиланиши қайд этилди (33,7%). Ўзбекистонда регистрларни олиб бориш давомида инсулинлар билан таъминланиши, инсулин инъекциялари учун шприц-қалам мавжудлиги ва вилоятлар бўйича ҚД 1-тури билан оғриган болалар ва ўсмирларда алоҳида ўз-ўзини назорат қилиш воситаларини баҳолаш ўтказилди. 2003 йилда бир хил бўлмаган натижалар олинди. 2003 йилда республика бўйича инсулинлар билан таъминланиш болаларда 31,7% ни, шприц-қаламлар билан таъминланиш эса 44,5% ни ташкил этди. Ўсмирларда эса вазият янада мураккаб: бутун республика бўйича олти ой давомида фақат 13% ўсмирлар инсулин билан таъминланган, шприц-қаламлар билан таъминланиш эса 48,2% ни ташкил этди. Ҳозирги кунга келиб болалар ва ўсмирлар 100% инсулин, ўз-ўзини назорат қилиш воситалари билан 80% болалар таъминланган.

Тўртинчи бобнинг **иккинчи бўлимида** НР маълумотларига кўра 1-турдаги ҚД билан хасталанган болалар ва ўсмирларда махсус асоратларнинг тарқалиш маълумотлари келтирилган. Регистр ўтказиш бошида жойларда педиатр-эндокринологлар томонидан махсус томирлар асоратини ташхисоти сифатсизлиги аниқланди.

### 3-жадвал

#### Болалар орасида миллий регистр ўтказиш давомида 1-тур ҚД кечки асоратларини ташхислашнинг баҳолаш сони (%)

Йиллар	Карталар сони	ЖРОҚ	ДПНП	ДР	ДН	ДК	ДС
1998 скрининг	83,7	40,4	53,2	24,5	19,5	4,2	-
2000	79,9	39,1	9,4	4,9	9,7	-	0,9
2001	79,3	35,3	23,1	10,3	14,1	-	-
2002	87,1	46	28	21	13	3,0	-
2003	93,4	56,3	23	14,2	11,7	3,4	-
2004	97,1	52,2	20,1	13,9	5,1	2,7	0,2
2005	94,7	50,4	24	11,8	11,2	1,5	-
2006	98,1	50,4	25,8	13,5	11,2	1,46	-
2007	98,0	28,0	23,0	11,3	17,0	1,2	-
2010	91,7	24,0	26,0	10,2	7,8	18	-

Регистр ўтказилиш мобайнида 2010 йилда 2000 йилга нисбатан болалар орасида аниқланиш даражасининг ижобий тарафга ўзгариши кузатилмоқда, аммо бу рақамлар 1998 йилда ўтказилган скринингдагига нисбатан камроқ. Шунингдек, шу йиллар давомида регистр маълумотларига кўра динамикада диабет нефропатия частотаси кўпаймаган. Бу эса ишончли кўрсаткичларга тўғри келмайди ва паст аниқланиш даражаси билан боғлиқ (3–жадвал).

Ўсмирларда кечки қон-томир асоратлари, яъни ДПНП ва ДН қайд қилинишининг яхшиланиши аниқланди. Бу эса эндокрин диспансерларда консултантлар сонининг ошиши билан изоҳланиши мумкин (4-жадвал). Биронта ҳам СБЕ қайд этилмади, аммо бизлар томонимиздан аниқландики, айнан шу асоратдан 50% болалар ва ўсмирларнинг вафот этганлиги қайд қилинган.

#### 4-жадвал

#### Ўсмирлар орасида миллий регистр ўтказиш давомида 1-тур ҚД кечки асоратларини ташхислашнинг баҳолаш сони (%)

Йиллар	Карталар сони	ЖРОҚ	ЗПР	ДПНП	ДР	ДН	ДК	ДС
1998 Скрининг	52	44,2	49,1	56,0	39,3	44,2	14,1	-
2000	30,1	59		19	26	11	6	0,6
2002	71,4	37,7		41	29	31	5,4	-
2003	100	57,1		36,3	34,6	23,3	2	-
2004	90,1	48,0		39,5	35,2	15,8	5,6	0,3
2005	100	53,7		40,7	29,4	22,4	5,6	-
2006	100	50,1		40,4	26,7	20,7	4,9	0,25
2007	100	41,0		43,2	28,2	31,7	5,8	-
2010	100	32,0		40,1	24,0	20,1	4,1	-

Диссертациянинг «Скрининг маълумотлари бўйича 1-тур ҚД болалар ва ўсмирларда худудлар бўйича кечки томирли асоратларнинг тарқалиши» деб номланган бешинчи бобида 2012 йилда махсус асоратларнинг (ретинопатия, нейропатия, хайропатия, нефропатия, ХПН) аниқланилиши бўйича ўтказилган скрининг тадқиқотларининг натижалари, шунингдек, скрининг ўтказиш даврида даволанишнинг мақсадли эришилган ютуқларини баҳолаш, болалар ва ўсмирлардаги 1-тур ҚДни даволаш-профилактик ёрдам кўрсатишнинг сифатини баҳолаш натижалари баён этилган (инсулинтерапия сифати, кунлик дозалар, жадал инсулинтерапия частотаси). Таҳлил натижаларига кўра, Республикада умумий болалар ва ўсмирлар орасида ИИТ тавсия қилиш 98,8% ва 97,6% ни (мос равишда) ташкил қилади. Шунингдек, болаларга аралаш турдаги инсулинни тавсия қилиш давом этмоқда, 0,3% (Жиззах вилояти – 4,5%). Ўсмирлар орасида аралаш турдаги инсулинни тавсия қилиш қайд этилмаган. Лекин фақат қисқа таъсирли ёки фақатгина узоқ таъсирли инсулинларни тавсия қилиш ўсмирлар орасида болаларга нисбатан кўпроқ. Аналог инсулинларни тавсия қилиш


болалар ва ўсмирлар орасида 2,4% ва 1,0% ни мос равишда ташкил қилади (5-жадвал).

### 5-жадвал

#### Скрининг натижаларига кўра 2012йилда ҚД 1-тур ўсмирлар орасида ўтказилаётган инсулинтерапия сифатини баҳолаш (%)


	Қабул қилаётган инсулин тури (%)						Кунлик Инъекциялар сони				ИИТ
	КИ+ПИ	ПИ	Гларгин+КИ	КИ	Аралаш	Аралаш+КИ	1	2	3	4	
Болалар (%)	98,8	0,8	2,4	0,1	0,3	0,0	0	1,1	0,1	98,8	98,8
Ўсмирлар (%)	97,6	1,9	1,0	0,5	0,0	0,0	0	1,9	0,5	97,6	97,6

Ўзбекистонда биринчи маротаба барча ҳудудлар бўйича болалар ва ўсмирларда НbA1c-гликирланган гемоглобин бўйича компенсация даражаси аниқланди. Умумий олганда Ўзбекистон бўйича углеводлар алмашинувининг оптимал кўрсаткичлари (НbA1c) <7,5% болаларда 24,3%ни ташкил қилиши аниқланди (3-расм). Декомпенсация ҳолатидаги болаларнинг энг кўп фоизи Қашқадарё (86%) ва Сурхондарё (81%) вилоятларида аниқланди. Энг яхши кўрсаткичлар Андижон (44%), ҚҚР (43%), Навоий (27%) вилоятларида қайд этилди.



3-расм. Скрининг натижаларига кўра ҚД 1-тур болалар орасида компенсация мақсадли кўрсаткичларига эришиш частотаси

Ўсмирлар орасида компенсация даражасининг таҳлили шуни кўрсатдики, Ўзбекистон бўйича, умуман олганда, углеводлар алмашинувининг оптимал кўрсаткичлари (НbA1c) ўсмирларда болаларга нисбатан ёмонроқ ва 13.3% ни ташкил қилади (4-расм). Навоий вилоятида, хатто, компенсация ҳолатидаги бирорта ўсмир қайд этилмаган, Наманган (96%), Жиззах (94%), Тошкент шаҳрида (93,7%), Самарқанд (93%), Қашқадарё (93%) вилоятлари эса декомпенсация ҳолатидаги ўсмирларнинг юқори фоизи аниқланди.



**4-расм.** Скрининг натижаларига кўра 1-тур ҚД ўсмирлар орасида компенсация мақсадли кўрсаткичларига эришиш сони

Ўзбекистон буйича скрининг ўтказиш давомида беморларга даволаш-профилактик ёрдам кўрсатиш сифатини қиёсий баҳолаш асосида болалар ва ўсмирларда ҚД 1 тури миллий регистрининг самарадорлиги баҳоланди.

1998 – 2012 йиллар давомида скрининг текширувлари ва миллий регистр маълумотлари асосида 1-тур ҚД асосий асоратларининг натижалари келтирилган. Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, скрининг текширувлар асосида болалар ва ўсмирлар орасидаги асоратларнинг даражаси 1998 йилги кўрсаткичларга нисбатан 2012 йилдаги натижаларга нисбатан паст эканлиги аниқланган.

#### 6-жадвал

**Скрининг ўтказиш давомида болаларда қандли диабетнинг биринчи туридаги кечки асоратларни ташхислашни баҳолаш (%).**

Йиллар	Карталар сони	ЖРОҚ	ДПНП	ДР	ДН	ДК	ДТ
Скрининг (1998)	83,7	40,4±4,6	53,2±6,8	24,5±3,8	19,5±1,8	4,2±1,2	-
Скрининг 2012	99,3	11,7±0,9***	34±2,9***	3,0±1,1***	4,8±2,0***	2,9±0,8*	-

Эслатма: \* – назорат гуруҳининг маълумотларига нисбатан фарқ аҳамиятли (\*\*\*) – P<0,001)

#### 7-жадвал

**Скрининг ўтказиш давомида ўсмирларда қандли диабетнинг биринчи туридаги кечки асоратларни ташхислашни баҳолаш (%).**

Йиллар	Карталар сони	ЖРОҚ	Жинсий РОҚ	ДПНП	ДР	ДН	ДК	ДТ
1998 Скрининг	52	44,2±1,6	49,1±3,2	56,0±3,2	39,3±3,4	44,2±3,2	14,1±1,9	-
2012 скрининг	97,2	16,0±1,2***	14,3±2,6***	36,1±2,4***	12,5±0,9***	10,8±1,1***	5,3±0,8***	0,5

